



Ёшларнинг ҳуқуқий онги, маънавий маданиятини ошириш йўллари

Тошкент тиббиёт академияси

Худоёрова Ойсоат Келдиёровна

Педиатрия факультети

Пайзиева Нилуфар Хаётжоновна

201-A гурӯҳ талабаси

Тиббий профилактика ва жамоат саломатлиги,

экология атроф муҳит муҳофазаси ва кимё факультети

Сайитмуратов Нодиржон Боймурот ўғли

402-A гурӯҳ талабаси

Аннотация: мақолада ёшларнинг қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат туйгусини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишига доир масалалар ҳақида фикр юритилган бўлиб, уларнинг мустакил фикрга эга булиши, ўз-ўзини билиши, юқори даражада ривожланиши хусусида илмий тавсиялар берилган.

Аннотация: в статье рассматриваются вопросы уважения к законодательству среди молодежи, укрепления чувства любви и преданности к Родине, повышения их правовой сознательности и культуры. Даны научные рекомендации относительно формирования независимого мнения, самопознания и высокого уровня развития.

Annotation: the article discusses the issues related to strengthening young people's respect for law, love for their homeland, and feelings of loyalty, as well as enhancing their legal awareness and culture. Scientific recommendations are provided regarding their ability to think independently, self-awareness, and high-level development.



Калим сўзлар: юксак дунёқараши, ахлоқий поклик, маърифат, ҳуқуқий билим, ажододлар мероси, мустақил ижодий фикрлаши, конструктив қобилияти. Фуқаролик жамияти, соғлом турмуши тарзи.

Ключевые слова: высокое мировоззрение, нравственная чистота, просвещение, правовые знания, наследие предков, независимое творческое мышление, конструктивные способности. Гражданское общество, здоровый образ жизни.

Key words: high worldview, moral purity, enlightenment, legal knowledge, heritage of ancestors, independent creative thinking, constructive ability. Civil society, healthy lifestyle.

Ўзбекистон халқининг юксак инсоний мақсади барқарор тарақкий этган мустаҳкам демократик жамиятни барпо этишдир. Фуқаролик жамиятини барпо этишнинг устувор йўналишлари: мустақилликни ҳимоя этиш, мустаҳкамлаш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этишга масъулият билан ёндашиб, мустақил тараққиёт йўлида олиб бораётган ислоҳотларимиз муваффақиятини таъминлашга эришиш энг муҳим вазифадир. Бунинг учун аввало халқларнинг тинчлиги, хотиржамлиги, мамлакатимиз ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлаш, турли таҳдидлардан ҳимояланиш, ҳуқуқ бузилишларини олдини олиш, жиноятчилик, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни қучайтириш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва барқарор бозор муносабатларини қарор топтириш каби кўплаб вазифаларни самарали ҳал этиш талаб этилади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида — жисмонан соғлом, рухан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва



фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш¹ долзарб вазифа сифатида белгилаб берилди.

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг бош қонуни Конституция ҳисобланади. Конституция сўзи луғавий жиҳатдан «Низом», «Қоидалар тўплами» деган маънони англатади. Лекин мазмун-моҳиятига кўра, ушбу хужжат мамлакат, унинг фуқаролари ҳаётида жуда муҳим ва катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Таъкидлаш керакки, 1992 йил 8 декабрда XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинган Конституциямиз мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган хуқуқий-демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг хуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-хуқуқий тафаккурининг юксак намунаси ва у ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолатидир. Бугунги кунда юртимизда миллат ва элат вакиллари Бош Қомусимиз ҳимоясида ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликда яшаб меҳнат қилмоқда. Уларнинг ўз тили, миллий анъана ва урф-одатларини давом эттиришлари, Ўзбекистон фуқароси сифатида эмин-эркин яшашлари ҳамда ёшларимизнинг илм олиш хуқуки Бош Қомусимиз билан кафолатланган. Бу эса ёшларимизнинг юксак салоҳиятли инсонлар бўлиб камол топишига, Ватанимиз тараққиётини янада юксалишига хизмат қилмоқда. Айниқса, ёшлар қалбида қонунга хурмат, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини кучайтириш, уларнинг хуқуқий онги ва маданиятини оширишга ижобий таъсир этади. Ёшларнинг мустакил фикрга эга булиши уларнинг ўз-ўзини билишининг юқори даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Мустакил фикрга эга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги —Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидағи ПФ-4947-сон Фармони. —Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил 6-сон 70-модда.



бўлган ёшлар ўз-ўзини кузатиши ва ўз фаолиятини таҳлил этиши, ўзига-ўзи баҳо бериши, ўз дунёқараши, билимларини бойитиб бориш имкониятига эга бўлади. Натижада ёшларнинг ғоявий-сиёсий маданият даражаси юқори бўлади. Чунончи инсон биринчи навбатда ўзининг мустақил фикри, мақсад ва режалари, эркинлигига эга бўлиши керак. Бу эса унинг жамият олдида ўз бурчини онгли даражада англаганини билдиради. Шунга кўра, ёшларнинг ғоявий-сиёсий маданиятини шакллантиришнинг янги йулларини излаб топиш, ўз-ўзини бошқара оладиган ва мустақил фикрга эга бўлган, ҳар қандай қийинчиликлардан теран тафаккур билан чиқишига йўл топа оладиган шахсни тарбиялаш асосий вазифалардандир. Ёшларни демократик тамойилларга асосланган дунёқарашини шакллантириш, озодлик ва мустакиллик, юрт фаравон-лиги ғояларига садоқат, ватани, маҳалласи ва юритига меҳр-муҳаббат, озод ва обод Ватан барпо этишдек улуғ ва олижаноб мақсадга эътиқод, жасурлик, мардлик, фидойилик руҳини янада чукур сингдириш зарур. Айниқса, миллий кадриятларимиз ва улуғ мутафак-кирларимиз мероси, хадис илми ва ислом динининг инсонпарварлик ғояларидан ёшлар тарбиясида самарали фойдаланишга эришиш ва мустақил диёrimизда кечаётган янгиликлар, иктисадий, ижтимоий, сиёсий, ҳукуқий таълимга оид ислоҳотларнинг моҳиятини англаб этиши ҳамда улар тафаккурини чархлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: — Бизнинг фаолиятимиз энг муҳим конституциявий қоидага- ижтимоий адолат тамойилини таъминлашга қаратилиши шарт² дея таъкидлаган. Ижтимоий адолат деганда, сиёсий қарашлари, ирқи, жинси, ёши, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъий назар, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини

² Президент Ш.Мирзиёевнинг «Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойdevоридир» номли маърузасидан.



таъминлаш ва бу орқали фуқароларнинг таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги имкониятлар тенглиги тушунилади.

Юртимизда фуқаролик жамияти асосларини яратиш юксак сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий фаол баркамол инсон шахсини шакллантириш билан боғлиқдир. Бу борада қуйидаги жиҳатларга эътибор берилади.

1. Шахснинг маънавий – маърифий қобилияти ва истеъододи, ахлоқий – сиёсий, ҳуқуқий маданияти, илмий салоҳиятини юксалтириш ҳозирги замон фанининг муҳим хусусиятига кўра, унинг инсонпарварлик ва тараққийпарварлик моҳиятини тўлароқ намоён этиш билан жиддий шуғулланишга нисбатан эътиборни кучайтириш.

2. Фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, ўтмиш аждодларимизнинг теран ва улкан маънавий – маданий бойлигини чукур мушоҳада этиш, ўзлаштириш ва уни янги фуқаролик жамияти манфаатларига хизмат қилишини таъминлаш.

3. Фан тараққиётида анъанавийлик ва янгиланиш жараёни диалектикасини мукаммал билиш ва уларнинг узвий боғланишини таъминлашда илмий методлардан оқилона фойдаланиш.

4. Ўзбекистонда хусусий мулкчиликка асосланган иқтисодий муносабатлар тизимини қарор топтириш йўлида тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл очишнинг ташкилий ва ҳуқуқий механизмларидан самарали фойдаланиш.

5. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари тараққиётини ривожлантириш йўлида матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллигини ва иқтисодий эркинлигини таъминлаш орқали соғлом рақобат тамойилларининг ривожланишини кучайтириш ҳамда уларда ишлаётган ходимларнинг касб маҳоратини ошириш. “Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун биз



ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарур. Бу эса пировард натижада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг шаъни, қадр-қиммати, мол-мулкининг дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби энг асосий ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради”³.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим-тарбиясига давлатимиз томонидан алоҳида этибор бериб келинмоқда. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев — Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз. Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикирларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини жуда-жуда истардим. Мана, улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар; «Халқимизнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, баҳтли бўлиб иззат-хурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, баҳтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асири бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ“⁴ дея таъкидлаган. Шу ўринда ёшларнинг таълим-тарбиясида ҳуқуқий маданият катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Ҳуқуқ жамият аъзоларининг эркинликларини рӯёбга чиқаришнинг муҳим шарти, уларнинг ҳуқуқий савияси, саводхонлиги ва маданиятини юксалтириш билан боғлиқ.

Демак, фуқаролик жамиятини барпо этишда жуда кўп ижтимоий фойдали фаолиятларни амалга оширишга тўғри келади. Бунда ижтимоий, руҳий мувозанатни таъминлашда мустақилликнинг улкан имкониятларидан

³ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кабул қилинганининг 27 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги МАЪРУЗАСИ (2019 йил 7 декабрь) “Халқ сўзи”, 2019 йил 8 декабрь.

⁴ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъят билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: —Ўзбекистон|-2017.- 124 бет.



самарали фойдаланган ҳолда масъулиятни ҳис этиб яшшимиз ва олдимизга стратегик мақсадларни түғри қўя олишимиз керак.

Хулоса шуки, Бош Қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, тенглар ичра тенглигимизни, келажаги буюк давлат қуришга бел боғлаган бағри кенг, кўп миллатли Ўзбекистон фуқароларининг хуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи ҳужжат сифатида бизнинг йўлларимизни чароғон этувчи юлдуздир. Суверен ва демократик давлат қуриш йўлидан қатъий бораётган Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси Конституциямиз билан фаҳранади. Чунки, у баҳтимизнинг қомусидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги –Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидағи ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 6-сон 70-модда.
2. Президент Ш.Мирзиёевнинг «Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» номли маъруzasидан.
3. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституяси қабул қилинганинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги МАЪРУЗАСИ (2019 йил 7 декабрь) “Халқ сўзи”, 2019 йил 8 декабрь.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъят билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: —Ўзбекистон—2017.- 124 бет.